Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

4 январь, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 3 (1520)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N5-6, 64-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 1-модда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2) Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони тўғрисидаги матндан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони ҳаво транспортини ривожлантиришда, замонавий авиация техникасини ўзлаштиришда, аҳолига ва республика халқ хўжалигига намунали хизмат кўрсатишни ташкил этишда алоҳида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига берилади»;

3) Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифлари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвонининг кўкрак нишони тўғрисидаги матндан кейин қуйидаги мазмундаги тавсиф билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида марказида уфқдан бош кўтараётган қуёш фонида самода булутлар узра парвоз қилаётган ҳаво кемаси, пастки ўнг чеккасида -- дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN FUQARO AVIATSIASI XODIMI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга халқа ва илмоқча ёрдамида уланади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
27 декабрь 1996 йил.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони кўкрак нишонининг тасвири**





*Бахмал туманидаги «Тонготар» ширкатлар бирлашмасида 120 гектар ҳосилга кирган боғ бор. Шу кунларда боғбонлар қишки шакл бериш ишларини ниҳоясига етказишмоқда.*

*СУРАТДА: боғбон Рўзибой Алиқулов.*

**Н. АЛМУРОДОВ тасвирга олган.**

*Бугуннинг гапи*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ...

***Фақат Тошкент шаҳридагина эмас, балки республиканинг бир қанча вилоятлари марказларидаги олимлар ва мутахассислар ҳам эндиликда хориждаги даврий нашрларда эълон қилинаётган энг янги илмий-техникавий ахборотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.***

Улар барча зарур адабиётларни давлат илмий-техника ахбороти фонди ва унинг Андижон, Қарши, Самарқанд ва Фарғонадаги бўлимлари билан тузилган шартномага мувофиқ, алмаштириш йўли билан кутубхонадан оладилар. Бу шартномалар сўнгги икки йил ичида фонднинг республика илмий-техника кутубхонасига келган 10 мингга яқин номдаги хорижий нашрлар кўргазмаси чоғида имзоланган.

Мамлакатимиз халқаро бозорда тўла ҳуқуқли шерик бўлишга ҳаракат қилмоқда. Бунга ишлаб чиқариш фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этилган тақдирдагина эришиш мумкин. Бу йўлда мамлакатимиздаги янги технологияларни ишлаб чиқараётган олимлар ва мутахассисларнинг ана шундай ахборотлардан бемалол фойдаланишлари муҳим омил бўлади.

Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб бизнинг республикамизда хорижий илмий ва техника адабиётларини сотиб олиш учун валюта ажратилди. Республика илмий-техника кутубхонасига билимнинг барча соҳалари бўйича турли мамлакатларнинг журналларида, тўпламларида, ахборотномаларида эълон қилинган қимматли ахборот кела бошлади.

Кутубхона билан жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар олимларини бирлаштириб турган дунёдаги йирик ташкилот -- фанни ривожлантиришга кўмаклашувчи халқаро уюшма ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бундан ташқари кутубхона Америка илмий ахборот институтининг маълумотлар компьютер базасидан фойдалана бошлади, бу эса жаҳонда нашр этиладиган барча даврий адабиётдан фойдаланишни таъминлайди. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, Дания ва бошқа мамлакатларнинг йирик кутубхоналари, университетлари, ахборот марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Халқаро ахборот айирбош қилишда Ўзбекистоннинг иштирок этиши республикамизда фан ва техникани янада ривожлантиришга, бу соҳани давр талабларига мос келадиган юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

(ЎзА).

*Биронтаям танқид натижасиз қолмайди*

## «ТАШАББУС СОЯСИДАГИ ЛОҚАЙДЛИК»

**«Халқ сўзи», 1996 йил, 4 октябрь**

**Мақолада вилоятдаги иситиш тармоқларининг мавсумга соз-носозлиги ҳақида фикр юритилган эди. Ушбу танқидий қарашлар юзасидан қуйидаги жавобни олдик.**

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан мақола атрофлича ўрганиб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, вилоят «Иссиқлик манбаи» бошқармаси ҳисобидаги 82 та қозонхона тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Косон шаҳридаги ва Касби туманидаги қозонхоналарда ҳам режа асосида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Масалан, Косон тумани қозонхоналари учун катта қувватли 4 та насос ажратилиб ўрнатилди.

Кўп қаватли уй-жойларни қишги мавсумга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган тадбирлар тўлиқ бажарилди. Вилоят бўйича марказий қозонхоналардан иссиқлик олувчи 842 та уйнинг иссиқлик системаси тўлиқ юқори босим остида синовдан ўтказилди. Шунингдек, уй-жойларнинг эшик йўлаклари ва деразаларини жорий таъмирлаш ишлари ҳам режа асосида бажарилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 160 та тиббиёт биноси, 158 та касалхона ҳамда 25 та қозонхона тўлиқ таъмирдан чиқарилган.

Вилоят халқ таълими муассасаларидан 117 та мактаб, 12 та болалар боғчаси, 12 та ҳунар билим юрти мукаммал таъмирдан чиқарилди. Жами 83 та қозонхона тайёр ҳолга келтирилиб, 12511 ички иситиш системалари тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Режадаги 39,1 минг тонна ўрнига 43,0 минг тонна кўмир жамлаб қўйилган.

Вилоят ҳокимлиги 1996--1997 йил қиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш бўйича барча чораларни кўрмоқда.

**Т. КАРИМОВ,**
**Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.**

*Халқ сўзи -- ҳақ сўз*

## АРЗИМИЗНИ КИМ ТИНГЛАЙДИ?

**-- деб ёзади Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Дўстлик ширкат хўжалигига қарашли Совотобод, Навбаҳор, Чашма, Мингтерак ва Пахта пункти қишлоқларида яшовчи фуқаролар**

Биз яшаётган қишлоқ аҳли 1949--1950 йилларда Ховос туманининг юқори ҳудуди ҳисобланмиш жаннатмакон Совот, Баландчақир, Чакан қишлоқлари ва бошқа туманлардан Мирзачўл даштини ўзлаштириш учун кўчиб келишган. Ўшанда улар ишни чўли биёбонда ўзларига бошпана сифатида ертўла қазишдан бошлашганди. Шундай қилиб, улар Бекобод шамолига кўксини тутиб, бийдай чўлни обод қилишга киришгандилар. Мирзачўл ўзлаштирилди. Унинг жазирама иссиғию, қаҳратон қиши ҳам, суякдан-суяккача зир қақшатувчи дайди шамоллари ҳам энди ортда қолди. Бироқ ота-боболаримиз гирифтор бўлган қийинчиликлар бизларни ҳам тарк этмаганга ўхшайди. Гапнинг индаллосини айтсак, қишлоқларимизда на бир клуб бор, на бир телефон бор. Бу ҳам майли -- бизга бошқа бир масала ниҳоятда озор бераяпти.

Биз истиқомат қилаётган Совотобод, Навбаҳор, Чашма, Мингтерак, Пахта пункти каби қишлоқларга газ келтириш учун беш йилдан буён тинимсиз ҳаракат қиламиз. Атрофимиздаги газлаштирилган хўжаликлар биздан атиги 1,5 километр масофада жойлашган. Шундан бу ерга газ қувурларини ўтказиб беришларини талаб қилиб, 1994 йилнинг декабрь ойидан бошлаб ўнлаб марта вилоятдаги мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Тўғри, улар «бор йўқол», деб кўкрагимиздан итаришмади. Бироқ ҳар сафар «темир қувурлар йўқ, пул йўқ, агар хўжаликларинг тола берса, албатта, темир қувурлар сотиб олиб, ишни бошлаймиз», деб бизларни умидвор қилавердилар. Меҳнаткашлар ширкат хўжалигининг собиқ раҳбарига учрашиб, 1994 йилнинг пахта толасидан 60 тоннасини вилоят газлаштириш ихтиёрига ўтказиб беришди.

**(Давоми 2-бетда).**

*ДИҚҚАТ:*

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ОБУНАЧИЛАРИНИ ЮТУҚЛАР КУТАДИ!**

*Азизлар!*

*Биз 1997 йил учун газетамизга обуна (якка тартибда) бўлганлар ўртасида лотерея ташкил этишга аҳд қилдик.*

*Лотерея ролини газетамиз учун 1997 йилнинг 12 ва 11 ойига ёзилган обуна квитанциялари ўйнайди.*

*Ҳар бир обуначи обуна квитанциялари нусхасини ҳамда ўз исми-фамилияси, манзили, иш жойи, ўқув даргоҳи номини тўла ёзиб, конвертга «Обуначилар лотереясига» деб белги қўйиб, «Халқ сўзи» таҳририятига 15 февралгача юбориши керак.*

*Лотерея ўйинлари февралнинг охирида якунланиб, «бахтли» квитанцияларнинг номерлари «Халқ сўзи»да эълон қилинади.*

*Ютуқлар ичида рангли телевизорлар, радиоприёмниклар, гиламу полослар, уй-рўзғор ашёлари, чинни идишлар ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли ёзувчиси-ю, шоирлари ўз дастхатларини битишган китоблар, машҳур хонандаларнинг концертлари ёзилган видеокассеталар ҳам сизларга муштоқ.*

*Лотереямизга «Ўзбекбирлашув», республика «Бизнес-фонди», турли корхона-ю, фирмалар ҳомийликни ўз зиммасига олишди. (Биз кейинчалик уларнинг тўлиқ номларини келтирамиз).*

*Ҳар икки лотереядан бирида ютуқ мавжуд!*

*Эслатиб ўтамиз: газетамизнинг индекси якка тартибдаги шахслар учун — 64608; корхоналар учун — 64609.*

**Омадингизни синаб кўринг!**

ОБУНА — 97

*Омадингизни синаб кўринг!*

## ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

### «ЛОГОВАЗ» АСАКАДАН 10 МИНГТА МАШИНА ОЛАДИ

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги йилда 125 мингтадан кўпроқ автомобиль ва микравтобус ишлаб чиқарилади. Уларнинг ярмидан зиёдини «Нексия» автомобиллари ташкил этади. Асакадаги бу улкан корхона ишга тушгандан буён ўтган олти ой мобайнида 30 мингтага яқин машина чиқарилди. Бу машиналарга хорижда ҳам талаб тобора ортмоқда. Жумладан, Москвадаги «ЛогоВАЗ» фирмасининг ўзигина корхона билан ўн мингта автомобиль сотиб олиш тўғрисида шартнома тузган.

### «ОСМОНДАН ТАНГА ЁҚҚАН КУН»

Аббос Бакиров номидаги Андижон болалар ва ёшлар театри мактаб ўқувчилари учун ўзига хос янги йил совғаси тайёрлади. Ижодий жамоа драматург Ж. Маҳмудовнинг «Осмондан танга ёққан кун» эртак-спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

### КИМ У ЖУНГ -- ТОШКЕНТНИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

Жанубий Кореянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «ДЭУ групп» компанияси президенти Ким у Жунг Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов билан учрашди.

Учрашувда Тошкентда жанубий кореяликлар билан ҳамкорликда МДҲдаги энг йирик бизнес марказига асос солиш хусусидаги масала муҳокама қилинди. Мазкур бизнес маркази таркибига замонавий меҳмонхона, турар жой бинолари, савдо марказлари, маиший хизмат тизими, тижорат дўконлари киради. Марказ уч йил ичида қуриб фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Учрашув сўнгтида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва кўплаб Ўзбекистон -- Жанубий Корея қўшма корхоналарининг очилишидаги бевосита хизматлари учун Ким у Жунгга «Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси» ёрлиғи топширилди.

### ОНАЛАР ДАЪВАТИНИ УНУТМА, ЖАНГЧИ

Йигитларимиз ҳарбий қисмларда ўз бурчларини қандай ўтамоқда, ҳарбий билимларни қай даражада ўзлаштиришмоқда, аскарларимизнинг ҳаёти, яшаш шароити қандай ташкил этилган? Биринчи навбатда оналар қалбини безовта қилаётган бундай саволларга жавоб топиш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган ташаббускор гуруҳ аъзолари Наманган вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмни бориб кўрди. Гуруҳ таркибида ҳокимликларнинг вакиллари, тиббиёт ходимлари, ёзувчилар, шоирлар ва турли хайрия ташкилотларининг вакиллари бор эди.

Ҳарбий бўлинмалардаги аскарлар ҳаёти билан танишув чоғида Ватан олдидаги хизмат бурчини ўтаётган йигитларимиз ҳамиша Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлишга даъват этилди. Меҳмонлар ёш аскарларга учрашувдан эсдалик сифатида ўзлари билан олиб келган ҳар хил совғалар туҳфа қилишди.

### ЎҚУВЧИЛАР АКАДЕМИЯСИ

Самарқанддаги Й. Охунбобоев номли болалар ва ўсмирлар ижодкорлиги саройи жамоаси Кичик фанлар академиясини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармаси бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ҳозирдаёқ Кичик академиянинг икки бўлими фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёшлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон халқлари маданияти ва тарихини ўрганмоқда.

### МИННАТДОРЛИК

Мамлакатимиз Президентининг Фармонига мувофиқ Жиззах вилоятининг бир гуруҳ илғорлари халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни тарбиялаш, эл саломатлигини муҳофаза этишни яхшилашдаги хизматлари учун республикамизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди.

Вилоят ҳокимлигида ана шу мукофотларни топширишга бағишланган йиғилиш бўлди. Мукофотларни вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев топширди. Тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар ўзларининг камтарона меҳнати юксак қадрланганлиги учун республика раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди.

### ТУТЧИЛАР ГАЗ ЁҚИШАЯПТИ

Ўзбекистон туманидаги «Гулистон» тутчилик давлат хўжалигининг янги ҳаёт қишлоғидаги 150 хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўла бошлади. Бу ерда 11,6 километр табиий газ қувурлари тортилди. Бу билан тумандаги газлашган қишлоқлар сони 83 тага етди.

### МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Хоразм тадбиркорлари, мулк эгалари, корхона ва ташкилотлари пул муносабатларини амалга ошириш борасида катта қулайликка эга бўлди. Бирйўла учта -- «Ғаллабанк», «Заминбанк» ва «Асакабанк»нинг вилоят бўлимлари янги бинога кўчиб ўтди. Уларда мижозларга тез ва қулай хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. «ЎзДЭУавто» автомобилини харид қилишни истаган кишилар «Асакабанк» бўлимидан имтиёзли қарз олиши, унинг беминнат хизматидан фойдаланиши мумкин.

### МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра республика иқтисодиёти ривожига қўшган ҳиссаси, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматлари учун Бухоро вилояти меҳнаткашларидан катта бир гуруҳи Ватаннинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлар билан тақдирланган эди.

Янги йил арафасида Бухорода ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Мукофотларни вилоят ҳокими С. Ҳусенов топширди.

